Ким зарар етказса, Аллоҳ унга зарар етказади. Ким машаққат туғдирса, Аллоҳ уни машаққатга қўяди» — дедилар

Абу Сирмо разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким зарар етказса, Аллоҳ унга зарар етказади. Ким машаққат туғдирса, Аллоҳ уни машаққатга қўяди» — дедилар.

[Ҳасан] [Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ва Аҳмад ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда мусулмоннинг ўзи, дунёси ёки ахлига зарар беришдан, ёки бир ишида машаққат тўғдиришдан қайтардилар. Ким шундай қилса, Аллоҳ унга ҳам шундай жавоб ила жазо беришини хабар бердилар.

http://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/5375